Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 3 ноябрь
ШАНБА
№ 252 (5.045).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси 1 ноябрь куни ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов очди.

«Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилишини такомиллаштириш тўғрисида, Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий Қонуни)га ҳамда Ўзбекистон ССЖ Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари кўмитасининг раиси Э. Ҳ. Халилов маъруза қилди.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари муҳокамасидан кейин жумҳуриятда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилмасини бирлаштиришга қарор қилинди. Шу мақсадда ҳозирги Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Қонун депутатларнинг қўшимчалари билан қабул қилинди.

Халқ депутатлари сессия кун тартибининг қуйидаги бандини — Ўзбекистон ССЖнинг вице-президенти тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов мазкур лавозимга Ш. Р. Мирсаидовни таклиф этди. Олий Кенгаш ушбу номзодни якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССЖнинг вице-президенти этиб тасдиқланди.

«Ўзбекистон ССЖда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув қўмитасининг раиси А. А. Йўлдошев маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда халқ депутатларидан Ш. Т. Нусратов (21-Циолковский сайлов округи), К. Ж. Ҳаққулов (206-Марказий сайлов округи), К. Исроилов (294-Қўнғирот сайлов округи), Б. Б. Усмонов (107-Пискент сайлов округи), К. А. Маҳмудов (278-Ўзбекистон сайлов округи), М. Ж. Жўраев (224-Мўборак сайлов округи), И. Т. Алиев (348-Қумқўрғон сайлов округи), А. В. Горностаев (176-Навоий сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи муҳокамада қабул қилдилар ва узил-кесил ишлаб чиқиш учун қўмитага топширдилар.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига кўра Б. Мустафоев Ўзбекистон ССЖ прокурори этиб тайинланди.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси тақдим этган «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонунни ушбу сессияда айтилган фикрлар ва таклифларни ҳисобга олиб қабул қилдилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССЖ Халқ назорати қўмитасининг раиси М. М. Мирқосимовни Ўзбекистон ССЖдан жумҳуриятлараро ўзаро иқтисодий қўмитага доимий вакил қилиб кўрсатди.

Шундан кейин сессия иштирокчилари «Ўзбекистон халқ депутатларининг жумҳурият аҳолисига, ССЖИ Олий Кенгашига мурожаатномаси»ни қабул қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ УЧРАШУВИ

1 ноябрь куни ССЖИ Президенти М. С. Горбачев тинч даврда ўз ўғилларидан жудо бўлган солдат оналари ва оталари бир гуруҳини Кремлга таклиф этди.

Шу учрашув ўтган залга аёллар ўз фарзандларининг фотосуратлари билан келдилар. Мотам ҳошияси билан ўралган суратларнинг остида йигитларнинг қисқача таржимаи ҳоли: мактаб, ҳунартехника билим юрти, техникум, илмгоҳ, армия... Учрашувни очишдан аввал М. С. Горбачев ҳалок бўлганларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олишни таклиф қилди.

— Бу — ҳаммамиз учун мусибатли пайт, — деди М. С. Горбачев. —Турмушга эндигина қадам қўйиб келаётган йигитлар ҳаётдан кетишди. Бундай суҳбатни ўтказиш оғир. Сизларнинг ғамгуссангизни тушуниб турибман. Сизларнинг жудолигингиз ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бу йўқотишларни на инсоний, на ҳуқуқий қонунлар билан оқлаб бўлади.

Учрашувда солдатларнинг оналари ва оталаридан кўпгина киши сўзга чиқди, уларнинг ҳар бири ўз фарзандининг фожиасини гапириб берди, Президентга илтимослар ва тилаклар билан мурожаат этди. Залда ССЖИ Қуролли Кучлари Бош сиёсий бошқармасининг раҳбарлари, Иттифоқ кенгашининг раиси И. Д. Лаптев, Президентлик Кенгашининг аъзолари Е. М. Примаков, В. А. Ярин, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. Д. Бакланов бор эдилар. ССЖИ прокуратураси ва ҳарбий прокуратуранинг вакиллари ҳам шу ерда эди.

Ҳозир бўлган кишилар якдиллик билан шу фикрни изҳор этдилар: Қуролли Кучлардаги ислоҳот армиядаги интизомни соғломлаштириши лозим. Вазиятни қўлга олмоқ керак. Ҳар бир бахтсиз сукут ҳодиса, айниқса ёш ҳарбий хизматчининг ҳалокати жуда синчиклаб текширилиши лозим. Биронта ҳам айбдор жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги керак.

ССЖИ Президенти тинч даврда ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлиши фактларини текширувчи махсус Президент комиссиясини тузишни топширди.

М. С. Горбачев шуни маълум қилдики, яқин вақт ичида ССЖИ Президентининг фармони чиқарилиб, унда учрашувда тилга олинган барча масалалар юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўриш кўзда тутилади. ССЖИ Вазирлар Кенгашига, ССЖИ Мудофаа вазирлигига, Адлия вазирлигига, Прокуратурасига топшириқлар берилади.

(ТАСС).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Давлат бошқарувининг уйғун системасини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бир-биридан қатъий фарқлаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг ишини такрорлашга, бир органларнинг бошқа органлар вазифасини бажаришига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор мўносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимиятини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш, айниқса муҳим эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

I. 1. Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилсин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилсин. Ўзбекистон ССР Президенти айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлади. Ўзбекистон ССР Президентининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бирлаштирилсин.

2. Ўзбекистон ССР вице-президенти лавозими таъсис этилсин. Вице-президентни Ўзбекистон ССР Президенти тайинлаб, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлайди. Ўзбекистон ССР вице-президенти Ўзбекистон ССР Президентининг топшириғига кўра Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми, Министрлар Советининг Раиси, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари лавозими тугатилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг давлат-хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг асосий, белгиловчи йўналишлари бўйича биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари лавозимлари таъсис этилиб, улар зиммасига ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқлар бўйича фаолиятни уйғунлаштириш ва пировард натижаларни таъминлаш вазифаси юклатилсин, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини, вазирларни ва қўмиталарнинг раисларини Президент тайинлайди, сўнгра улар республика Олий Совети томонидан тасдиқланади.

5. Республика ҳукумати таркибига Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат комитетларининг раислари, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарлари киради. Ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва озод қилиш Ўзбекистон ССР Конституциясида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Қонун қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунларга зарур ўзгартишлар киритилсин.

II. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни)га қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1. 89-мўлданинг сўнгги қисмидаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин:

2. 102-мўлданинг 8 ва 9-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР вице-президентининг, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раиси биринчи ўринбосарлари, ўринбосарларининг тайинланишини, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси таркибини ҳамда унга киритиладиган ўзгартишларни тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларини тузиш ҳамда тугатиш ҳақидаги қарорларини тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР Президентининг СССР Бош прокурори билан келишилган тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР прокурорини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди;

9) Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий судини, шунингдек область ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини сайлайди, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳакамини, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раисини тайинлайди»;

шу мўлданинг 21-банди чиқариб ташлансин;

3. 107-мўлданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советида қонун лойиҳаларини киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитетлари ва комиссиялари, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат комитети, Қорақалпоғистон АССР номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР прокурори, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси эга»;

4. 109-мўлда қуйидаги мазмунда бўлган тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий суди, Қорақалпоғистон АССР Олий суди, областлар, Тошкент шаҳар судлари судьяларига малака класслари беради. Бу масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми қарорлар қабул қилади».

Ушбу мўлданинг амалдаги тўртинчи қисми бешинчи қисми деб ҳисоблансин.

5. 112-мўлданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мансабдор шахсларни тайинлаш, сайлаш ва тасдиқлаш, ҳукумат томонидан тайёрланган республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини, энг муҳим республика программаларини, Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджетини, шунингдек тасдиқланган план, бюджет, комплекс программаларни ўзгартириш тўғрисида таклифлар Ўзбекистон ССР Олий Совети тегишли комитетларининг хулосалари мавжуд бўлганда тасдиқланади»;

6. 113-мўлдадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Советига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7. 116-мўлда:

биринчи қисмнинг 4-бандидаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳукумати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмнинг 5-бандидаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советига» деган сўзлар «ёки Ўзбекистон ССР ҳукуматига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8. 121 ва 13-боблар 13-бобга бирлаштирилиб, у «Ўзбекистон ССР Президенти ва ҳукумати» деб аталсин.

9. 1181-мўлда қуйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССРда олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини амалга оширади, айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлади».

10. 1184-мўлданинг 4, 6, 7, 8-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон ССР министрликларини ҳамда Ўзбекистон ССР давлат комитетларини тузади ва тугатади, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига киритади»;

«6) Ўзбекистон ССР вице-президентини, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарларини, ўринбосарларини тайинлаб, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади.

Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР прокурори, прокурор ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; мазкур мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимномалар билан киради. Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси бундан мустаснодир;

халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси лавозимига тайинлаш учун Советларнинг раислари билан келишган ҳолда номзодлар тавсия этади»;

7) Ўзбекистон ССР ҳукумати аъзоларини лавозимидан озод қилади ва тайинлайди, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади;

8) Ўзбекистон ССР қонунларини имзолайди; қонунга оид эътирозларини кўпи билан икки ҳафта муддат ичида билдириб, такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советига қайтаришга ҳақлидир. Агар Ўзбекистон ССР Олий Совети овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан илгари ўзи қабул қилган қарорни тасдиқласа, Ўзбекистон ССР Президенти қонунни имзолайди; Ўзбекистон ССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига мувофиқ келмаган тақдирда Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатади ва уларни бекор қилади.

Ушбу мўлданинг 9-банди чиқариб ташланиб, унинг ўрнига қуйидаги мазмунда бўлган янги 9-банд киритилсин:

«9) Гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, қабул қилган қарорини зудлик билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига киритади».

11. 118^5, 118^6-мўлдалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«118^5-мўлда. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида Ўзбекистон ССР Президент Кенгаши фаолиятини кўрсатади. Президент Кенгашининг вазифалари Президент Кенгаши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон ССР Президенти томонидан тайинланади. Ўзбекистон ССР вице-президенти лавозимига кўра Ўзбекистон ССР Президент Кенгаши таркибига киради.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг мажлисларида қатнашишга ҳақлидирлар.

118^6-мўлда. Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун территориясида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради».

12. 118-8-мўлда чиқариб ташлансин.

13. 118-9-мўлда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«118-9-мўлда. Агар Ўзбекистон ССР Президенти у ёки бу сабабларга кўра ўз вазифаларини бажаришни давом эттира олмаса, Ўзбекистон ССР янги Президенти сайлови уч ойлик муддат ичида ўтказилиши керак. Бу даврда Президентнинг вазифалари вице-президент зиммасига, бунинг имкони бўлмаган тақдирда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси зиммасига юкланади».

14. 119-мўлда чиқариб ташлансин.

15. 120-мўлда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«120-мўлда. Ўзбекистон ССР ҳукумати Ўзбекистон ССР Президенти, вице-президенти, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР вазирлари, Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг раислари, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарларидан иборат бўлади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси лавозимига кўра Ўзбекистон ССР ҳукумати таркибига киради.

Ўзбекистон ССР Президентининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР вице-президенти Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қиладi ва унинг ишини уюштиради.

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг ваколати ва вазифалари Ўзбекистон ССР ҳукумати тўғрисидаги низом билан белгиланади».

16. 121-127-мўлдалар чиқариб ташлансин.

17. 131-мўлдадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳукумати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 143-мўлда қуйидаги мазмунда бўлган учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Совет ва унинг ижроия комитети ишини ташкил этишни таъминлаш учун ягона аппарат тузилади. Аппаратнинг тузилиши ва штатлари Совет томонидан белгиланади».

19. 144-мўлда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«144-мўлда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари томонидан сайланадиган ижроия комитетлари маҳаллий Советларнинг ижроия ва бошқарув органлари бўлади. Улар тегишли территорияда қонунларни, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, тегишли Советлар, шунингдек юқори турувчи Советлар ҳамда уларнинг ижроия ва бошқарув органларининг қарорларини рўёбга чиқарадилар.

Халқ депутатлари Совети ижроия комитетларининг раислари лавозимига кўра халқ депутатлари тегишли область, Тошкент шаҳар ва район Совети раисининг биринчи ўринбосарлари бўладилар.

Халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Президентининг Совет раиси билан келишилган тавсиясига кўра тегишли Советнинг сессиясида тайинланади.

Халқ депутатлари шаҳар (район ва областга бўйсунувчи шаҳар), посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг тегишли халқ депутатлари Советлари томонидан сайланадиган раислари ушбу территорияда ҳам ижроия, ҳам бошқарув ҳокимиятини бир ўзлари амалга оширадилар.

Халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси лавозимига тайинлаш чоғида муқобил номзодлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ҳам ўзларини сайлаган Совета, ҳам юқори ижроия ва бошқарув органига, шунингдек Ўзбекистон ССР Президентига бевосита ҳисоб берадилар»;

20. 152-мўлдадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳукумати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21. 153-мўлдадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳукуматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22. 154-мўлдадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳукумати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23. 159-мўлдадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳукумати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24. 160-мўлдадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳукуматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25. 21-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

21-боб

ПРОКУРАТУРА

175-мўлда. Ўзбекистон ССР территориясида барча министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия ва бошқарув органлари, колхозлар, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, шунингдек гражданлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини олий даражада назорат қилиш Ўзбекистон ССР прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

176-мўлда. Ўзбекистон ССР прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон ССР Президентининг СССР Бош прокурори билан келишилган тақдимига кўра Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тайинланадилар, улар Олий Совет олдида масъулдир ва унга ҳисоб берадилар.

Қорақалпоғистон АССР прокурори республика прокурорининг Ўзбекистон ССР Президенти билан келишилган тақдимига кўра Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан тайинланади.

Область, район ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон ССР прокурори томонидан тайинланадилар.

Ўзбекистон ССР прокурори, Қорақалпоғистон АССР прокурори, область, район ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати — беш йил.

177-мўлда. Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг органлари ўз ваколатларини амалга оширишда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, мансабдор шахслардан эркин бўлиб, фақат Ўзбекистон ССР Прокурорига бўйсунадилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 1 ноябрь.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Қайта қуриш ўқувчи ёшлар олдига жуда катта талаблар, кўпдан-кўп мураккаб муаммоларни қўймоқда. Уларни парламентимиз, ССЖИ Президенти ва ҳукумати бир ёқадан бош чиқариб, куч-ғайрат сарфлаган тақдирлагина ҳал этиш мумкин. М. С. Горбачевнинг 1 ноябрь куни Кремлда совет талабалари намояндалари билан бўлган учрашуви шундан далолат беради. Учрашувда талабалар касаба уюшмалари ва бошқа ташаббускор ташкилотларнинг фаоллари, Бутуниттифоқ талабалар анжумани делегатларининг бир гуруҳи, ССЖИ ёшлар ташкилотлари қўмитаси ҳузуридаги талабалар кенгашининг аъзолари, турли жумҳуриятлардаги бир қанча йирик олий ўқув юртлари ўзини ўзи бошқарув идоралари таркибига кирувчи талабалар қатнашдилар.

Учрашувда муҳокама қилинган масалалар доираси унинг қатнашчилари Президентга топширган мурожаатномада маълум даражада акс эттирилган ва олий мактаб ривожининг ҳозирги аҳволидан ташвиш билдирилган эди. Талабалар олий мактаб ривожини янги даражага олиб чиқиш учун барча мавжуд воситалардан фойдаланиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини айтдилар ва мамлакат раҳбариятига аниқравшан илтимослар билан мурожаат қилдилар.

Улар ҳозирги вазият ўқувчи ёшлар ҳаётида кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлаётгани тўғрисидаги масалани ўртага қўйдилар. Ёшларнинг жумладан иш ташлашларда, митингларда қатнашаётганлиги бунинг далилидир. Айрим сиёсий гуруҳлар ва ҳаракатлар ўз манфаатларини кўзлаб, талабаларнинг муаммолари билан мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга талабаларни жалб этмоқдалар. Нотиқлар талабалар мухолифлик йўлини қабул қилмасликларини, қайта қуриш вазифалари теварагида жипслашиш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Учрашув мамлакат раҳбарлари талаба ёшлар билан бутуниттифоқ талабалар анжуманида бошланган ошкора ва мазмунли мулоқотнинг тадрижий ривожланиши бўлди. Президентга талабаларнинг кайфияти ва олий ўқув юртлари жамоаларида ижтимоий-сиёсий вазият қандай ривожланаётгани тўғрисида ахборот берилди. Олий мактабда қайта қуриш суст кечаётганлиги олий таълимни ривожлантириш давлат дастури ва олий ўқув

(Давоми учинчи бетда).

ССЖИ Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

1990 йил 7 ноябрь куни Москва шаҳрида бир вақтнинг ўзида ўтказиш мўлжалланган намойишлар ва митинглар тўғрисида

1990 йил 7 ноябрь куни Москва шаҳридаги Қизил майдонда шаҳар жамоатчилиги вакиллари меҳнаткашларнинг Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган намойишини ўтказишини ҳисобга олиб ва ССЖИ Олий Кенгашининг 1990 йил 23 октябрдаги қарорига асосланиб, ССЖИ Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. 1990 йил 7 ноябрда Москва шаҳрида бир вақтнинг ўзида ёки муқобил тарзда намойишлар ва митинглар ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилсин.

2. Бир вақтнинг ўзида ёки муқобил намойиш ва митинглар ўтказиш ташаббуси билан чиққан жамоат бирлашмаларига ана шу тадбирларни 1990 йил 7 ва 8 ноябрь кунлари Улуғ Октябрь социалистик инқилоби санасини байрам қилиш билан боғлиқ бўлмаган исталган бошқа вақтда ўтказиш тавсия қилинсин.

3. Халқ депутатлари Москва шаҳар кенгаши раёсати ва Москва шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси ушбу қарорни бир вақтнинг ўзида намойишлар ва митинглар ўтказиш ташаббуси билан чиққан шахслар ва ташкилотларга маълум қилсинлар ва бунда асосий давлат байрамини ғоясиз ўтишлик, мамлакатдаги барча жамоат кучларининг жипслашуви ва ҳамкорлиги вазиятида ўтказиш зарурлиги таъкидлансин.

ССЖИ Олий Кенгашининг раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 1 ноябрь.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси

1991 ЙИЛГИ ЖУМҲУРИЯТ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССЖ молия вазири Й. И. МАМАТИСАЕВ маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Кейинги йиллар давомида Ўзбекистон ССЖ бюджетини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида бундай одатдан ташқари, мураккаб ва ўта масъулиятли маруза қилишга тўғри келмаган эди.

Менимча, сизларнинг кўпчилигингизда нима учун биз жумҳурият бюджетини эмас, балки асосий параметрларни кўриб чиқмоқдамиз, деган савол туғилиши табиий.

Буни, ўртоқлар, қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, мамлакатда умумий сиёсий барқарорлик ва ҳозирги пайтгача Иттифоқ шартномаси йўқлиги;

иккинчидан, Иттифоқ бюджетининг шакллашишида бирор тўла аниқлик бўлмаганлиги, Ўзбекистон бюджетига берилиши керак бўлган субвенция ёки дотациянинг ноаниқлиги;

учинчидан, жорий йилдагига қараганда ва Солиқлар ҳақида ССЖИ қонунининг қабул қилиниши натижасида бюджет даромадларининг кескин тушиб кетганлиги ва жумҳурият бюджетининг шакллашишида Ўзбекистон Олий Кенгаши янги солиқлар тўғрисида ҳали тегишли қонунларни қабул қилмаганлиги;

тўртинчидан эса, янги нарх-наволарнинг жорий қилиниши муносабати билан бюджетларни мувозанатлаштириш муаммоси кескинлашганлиги ва бошқалардир.

Кейинги беш йил давомида ҳар йили бюджет ҳажмларининг ўсиши ўртача 7 фоизни ташкил қилган бўлса, режалаштирилаётган 1991 йилда эса уни бу йилдагидан 70 фоизга, яъни 10 баравар орттириш вазияти бизни мажбур қилмоқда.

Белгиланаётган Ўзбекистон ССЖ бюджетининг кескин ўсиш сабаблари, биринчидан, бюджет сарф-харажатларининг ўсиб бораётганлиги, энг аввало, ижтимоий-маданий мақсадлар учун ажратилаётган маблағларнинг тобора кўпаяётганлиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият ходимлари маошларининг ошиши, овқатланиш, доридармонлар, ускуналар, капитал таъмирлаш сарф-харажатлари миқдорининг ошиши, иккинчидан, жумҳурият Президентининг фермойишларига кўра қатор ижтимоий масалаларнинг атрофлича ҳал қилинаётганлиги, учинчидан, энг асосий сабаб, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш мақсадида Иттифоқ ҳукумати томонидан бир қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш (харид ва улгуржи нархлари) оширилиши. Шу муносабат билан жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилдиган ва жумҳуриятимизга ташқаридан истеъмол учун келтириладиган гўшт, сут, дон ва бошқа маҳсулотлар ўртасидаги баҳолар фарқини қоплаш учун бюджетдан 7 миллиард сўм маблағ керак бўлади.

Бу, ўртоқлар, кейинги йилга мўлжалланаётган бюджет харажатларининг деярли учдан бир қисмига тўғри келмоқда.

Мисол учун, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларига 1990 йилда давлатга сотган ҳар бир килограмм гўшт маҳсулотларига ўртача 2 сўм 31 тийиндан тўланаётган бўлса, энди шу мақсад учун ўртача 7 сўм 96 тийин, сут маҳсулоти учун эса 30 тийин ўрнига ўртача 74 тийин тўлаш зарурати туғилади, шунингдек, нон, шакар ва бир қатор халқ истеъмоли товарлари ўртасидаги фарқлар ҳам бюджет ҳисобидан тўланади.

Молиявий аҳволимизнинг танглиги яна шундаки, айрим саноат молларининг улгуржи баҳолари ошганлиги муносабати билан оборот солиқ тушуми жумҳурият бюджетининг 2 миллиард сўм миқдорида камайиб кетишига олиб келмоқда ҳамда бир қатор корхоналарнинг оладиган фойдаларига солиқ солишнинг янги тартиби ҳам бюджет даромадларининг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Масалан, жорий йилда жумҳурият бюджетига ўтадиган фойда улуши 45-46 фоизни ташкил қилса, лойиҳалаштирилаётган йилда эса у имтиёзларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 21 фоиз бўлмоқда.

Бундай шароитда жумҳурият ва маҳаллий Кенгаш харажатларини даромадлари билан тенглаштириш яна ҳам мушкул аҳволда.

Иқтисодиётнинг кескинлиги ва шу боисдан бюджет тақчиллиги нохуш ҳодисаларнинг сабабчиси бўлиб қолмоқда ва у кейинчалик нархноваларнинг кўтарилиб кетиш хавфини туғдирмоқда.

Шунинг учун бу молиявий танқисликни ҳал қилиш жумҳурият олдида турган асосий ва муҳим вазифадир. Бу муаммони ҳал қилишнинг энг сўнгги чораси рентабелликни ошириш ва молиявий ресурсларни кўпайтиришга ёрдам берадиган иқтисодиёт самарадорлигини оширишдир.

Биринчидан, аввало, бунинг учун халқ хўжалигидаги моддий ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхона, ташкилотларнинг, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда бошқалар ўз фаолиятларини ҳозирги талабларга жавоб берадиган даражада ташкил қилиб, даромадларини ошириб, соф фойда олиш режаларини ортиғи билан бажарсалар, жумҳурият ва маҳаллий бюджетларга тўловларни кўпайтирар эдилар.

Иккинчидан, бюджет камомадини тўлдириш чоралари яна бири янги солиқларни жорий этишдир.

Сизларга маълумки, кўпгина мамлакатларда бундай шароитда аҳолидан олинадиган солиқларга зўр берадилар, лекин бугунги Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий шароити ва турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда аҳолидан олинадиган солиқларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас.

Шу боисдан Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлиги бюджетнинг даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида жумҳуриятда халқ хўжалигимиздаги моддий ишлаб чиқаришда барпо бўладиган ресурслардан олинадиган янги солиқларни жорий қилишни кўзда тутмоқда. Бу қандай солиқлар?

Жумҳуриятдан четга олиб чиқиб кетиладиган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солиқ солиш. Булар: пахта толаси, ипак, жун, қоракўл, пилла, капролактам, газ, олтин, кумуш, мис, қўрғошин, мева-сабзавот консервалари, қуруқ мевалар, полиз экинлари, сабзавот, узум ва бошқа маҳсулотлардир. Бундан ташқари: ер солиғи, экспорт ва импорт моллардан олинадиган солиқ ҳамда транспорт воситалари эгаларидан янги ставкада олинадиган солиқ ва инвестиция қолдиқларидир.

Бу янги солиқлар тартиб ва интизомини ишлаб чиқишда жумҳурият Молия вазирлиги ходимлари асосидил меҳнат қилмоқдалар.

Шу айтилган янги солиқлар тўғрисидаги қонун лойиҳаларини икки тур бўйича ишлаб чиқдик ва қолганларини ҳам яқин кунларда тамомлаб, Олий Кенгашга топширамиз. Улар навбатдаги сессияда кўриб чиқилиши керак бўлади.

Бу ерда, Ислом Абдуғаниевич кечаги сўзларида пахтамиз тўғрисида жуда одилона гапларни айтдилар. Дарҳақиқат, пахта бизнинг асосий бойлигимизга айланиши керак.

Қишлоқ хўжалик мутахассислари билан биргаликда бизнинг ўтказган тафтиш ҳисоботларимизга қараганда, пахтани ерга экишдан тортиб то тайёр газмол бўлиб чиқишигача сарфланган меҳнатнинг 66 фоизи бизларда, Ўзбекистонда сарфланар экан. Демак, жумҳуриятимиздан олиб кетилаётган пахтадан Иттифоқимизнинг бошқа ҳудудларида бўлаётган даромадларнинг юридик тил билан айтганда 66 фоизига ҳақдормиз.

Шунинг учун бюджетимизнинг камомад қисмини ҳал қилишда, бюджет тақчиллигини йўқотишда пахта, ипак ва ер қазилма бойликларимиздан тушадиган солиқлар ва уларнинг ставкаларини белгилаш асосий роль ўйнаши керак деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар ҳисобига бюджетнинг даромад қисмини ошириш кўзда тутилмоқда.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда сизнинг эътиборингизга 1991 йилги жумҳурият бюджетини шакллантиришнинг асосий параметрлари ҳавола қилинмоқда.

Бу параметрлар Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгашининг II сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақидаги декларацияга амал қилиб, солиқ сиёсатини ўтказишда жумҳурият ҳудудига келиб тушадиган ҳамма даромадларга эга бўлишда, ўз бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда тўла мустақиллигини таъминланган равишда шакллантирмоқда.

Асосий параметрларни ишлаб чиқишда ҳар бир бошқарув даражасининг вазифалари ва ваколатлик чегараларини белгилашга алоҳида эътибор берилди.

Шундай қилинганда фақат Иттифоқ, мухтор жумҳуриятлар, вилоят кенгашларининг вазифаси ҳисобланадиган масалалар доираси мустаҳкамланади. Бюджетнинг режалаштирилиш жараёни ўзгаради. Солиқ сиёсати ҳам ўзгармоқда. Корхоналар оладиган фойдадан солиқ олишда бу корхоналарнинг кимга бўйсунишидан қатъи назар, 45 фоиз миқдорида ставка белгиланди.

Умумиттифоқ қонунларидан фарқ қилган ҳолда жумҳурият бюджетига фойдадан тушадиган даромадлар 23 фоиз ўрнига 45 фоизнинг ҳаммаси белгиланмоқда. Шунингдек оборот солиғидан ҳам 70 фоиз ўрнига 100 фоиз тушириш мўлжалланмоқда.

Жумҳуриятнинг ҳудудида жойлашган ҳамма хўжалик субъектлари қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчилиги шаклидан қатъи назар, жумҳурият бюджети, Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурият бюджети ва маҳаллий бюджетларга солиқ ва бошқа тўловларни тўлашга мажбурдирлар.

Депутат ўртоқлар!

Бюджет маблағларини сарфлашда қатъий тежамкорлик бўлмоғи зарур шартлардан бирига айланмоқда. Эндиликда коммунал хўжаликдан ташқари режали зарар кўриб ишлаётган бошқа корхоналарга ёрдам пули (дотация) берилмайдиган бўлмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш ва шу муносабат билан давлат бошқарув органларининг вазифалари ўзгариши сабабли уларни бюджет ҳисобидан сақлаш сарф-харажатлари қисқаради.

Капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш манбаларини халқ хўжалигига татбиқ қилиш ёндашувлари ўзгаради.

Сизларга маълумки, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари шу тўрт йил мобайнида тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари асосида ишламоқдалар. Молиявий яқунлар ёмон эмас.

Шу йиллар давомида жумҳурият бўйича иқтисодий фондларни ташкил қилиш икки баробар ошди. Алоҳида тармоқларда эса ундан ҳам кўп.

Масалан, фақат кейинги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалиги бўйича ширкат кўмитасида махсус фондларнинг қолдиғи икки баравардан кўп ўсди ва 1,5 миллиард сўмни ташкил этди; Ўзбекистон Енгил саноат вазирлигида эса ўсиш 1,5 баравар бўлди.

Кўп тармоқларнинг йил давомида фойдаланилмай қолган маблағлари мавжуд. Шу молиявий имкониятларни эътиборга олган ҳолда ҳар бир корхона, ташкилот капитал қурилишларга ўз маблағларини сарфлашлари зарур.

Бундан ташқари капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш манбаи сифатида меъёрдан ортиқ чала қурилишларни сотишдан, товар-моддий қийматларнинг ва ўрнатилмаган ускуналарнинг запасларидан келиб чиқадиган маблағлар кўзда тутилади.

Маҳаллий Кенгаш бюджетларини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Молия вазирлиги уларга умумдавлат солиқлари ва даромадлардан мўлжалланаётган ажратмалар нормативини маълум қилди.

Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига, яъни маҳаллий органларга итоат қиладиган хўжаликлардан тушадиган солиқлар, ширкатлардан олинадиган тўловлар, аҳолидан олинадиган солиқлар 100 фоиз маҳаллий Кенгашларда қолади.

Шунингдек, истеъмол қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртасидаги баҳолардаги фарқлар ўрнини тўлдириш сарф-харажатларини ҳам маҳаллий Кенгашлар бюджетларига ўтказиш мўлжалланмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар ишлаб топилган маблағ атрофида ижтимоий-маданий муассасаларни сақлаш сарф-харажатларини ошириш, ижтимоий фаровонликнинг кафолатли даражасини кўтариш ҳуқуқига эгадирлар. Маҳаллий Кенгашлар эндиликда ўз бюджетларини мустақил тузадилар, тасдиқлайдилар ва ижросини таъминлайдилар.

Бюджетларни шакллантириш параметрларига мувофиқ жумҳурият бюджетини 1990 йилга нисбатан 15—20 фоиз ошириш мўлжалланган. Ҳисоб-китобларга қараганда, Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳуриятининг ва маҳаллий Кенгашларнинг 1991 йилги бюджетлари 1990 йилга нисбатан 1,5—1,7 баравар кўпайиши мумкин.

Депутат ўртоқлар!

Яна бир жиддий масалани таъкидлаб ўтмоқчиман.

Жумҳурият ва маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаланаётган даромадлари жумҳуриятнинг маблагга бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмайди. Шу муносабат билан жумҳурият ҳукумати Иттифоқ органлари олдига бозор иқтисодиёти муносабаларига ўтишда дастлабки шарт-шароитларни йўлга қўйиб олиш учун Иттифоқ бюджетидан 4,5—5 миллиард сўм сўраш масаласини қўймоқда.

Тақдим қилинаётган 1991 йилги жумҳурият бюджетини шакллантириш параметрларининг лойиҳаси етилиб қолган кўпгина масалаларни ҳал қилиш имконини бермайди. Жумҳуриятда ҳозирги кунга келиб кечиктириб бўлмайдиган муаммолар анчагина йиғилиб қолди. Бу муаммоларнинг ҳар бирини ҳал қилиш учун анчагина молиявий ресурслар керак бўлади.

Ҳозирги кунда молиявий танглик вазиятидан чиқиб кетишнинг осон йўли йўқлигини ҳамма жуда яхши тушунадилар ёки ҳар ҳолда билишлари керак. Бинобарин, сарф-харажатларни ошириш ҳақида қабул қилинган ҳар қандай қарорлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўрсатиладиган хизматлар миқдорини ошириш умуман ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига қўшимча даромадлар билан мустаҳкамланиб турилиши керак бўлади.

Лекин жорий йилнинг ўтган даври мобайнидаги иқтисодий вазиятни ҳар томонлама баҳолаш шундан далолат берадики, қатор тармоқларда бирмунча ижобий силжишлар бўлишига қарамай, умуман олганда, аҳвол ўта мураккаблигича қолмоқда. Жумҳурият халқ хўжалигининг ривожланишидаги баъзи нохуш жараёнлар эса янада чуқурлашиб кетди. Бу ларнинг ҳаммаси барча йўналишларда молиявий соғломлашиш тадбирларининг бажарилишига таъсир этмоқда.

Жорий йилда саноат корхоналарининг деярли олтитасидан биттаси молиявий натижалар бўйича режани бажармаяпти, 440 та корхона, бирлашма, ташкилотлар зарар кўриб ишламоқдалар.

Жумҳуриятда ҳукуматининг бир неча бор кўрсатмаларига қарамай, яна шундай корхоналарни қайта ихтисослаштириш, уларни жамоалар, ширкатларга ижарага ўтказиш юзасидан вазирлик ва идоралар керакли ташаббус кўрсатмаяптилар. Ваҳолонки, бу йўналишда жумҳуриятда ижобий тажрибалар мавжуд.

Бундай аҳвол иқтисодиётда тўғридан-тўғри жумҳурият бюджетининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Енгил саноат вазирлиги одатдагидек, оборот солиғи режасини бажармаётган вазирликлар қаторида турибди.

Шунингдек, саккизта вазирлик ва идоралар фойдадан оладиган даромадларидан бюджетга тўловлар режасини 42 миллион сўмга таъминлай олмаяптилар, яъни Енгил саноат вазирлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги, Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги ва бошқалар.

Жумҳуриятда содир бўлган молиявий аҳвол тежамкорлик бюджетига ўтишда қидириб топилган ва корхона, ташкилотлар ҳамда аҳолининг қўшимча молиявий ресурсларини жалб қилган ҳолда йўл тутиш заруратини туғдирмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳамма нарса оддий ишчидан тортиб то ҳар қандай идора раҳбаригача, ҳар бир меҳнатнинг жамоаси ўз меҳнатининг якуний натижаларига қанчалик чуқур жонкуярлик билан киришишига, ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама оширишига, бюджетдан ажратиладиган маблағларни қанчалик тежаб-тергаб сарфлашига боғлиқдир.

Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, бунинг ҳисобига кўпроқ фойда олиш — турмушимизнинг ягона яхшиланиш йўли ана шулардан иборатдир.

Ҳурматли ўртоқ депутатлар!

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг 1989 йил XI чақириқ IX сессиясида 1989 йил бюджети бўйича Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг депутатлари томонидан айтилган барча танқидий мулоҳазалар ва таклифлар, шунингдек иқтисодиётни соғломлаштириш ҳамда бюджет даромадлари ва сарф-харажатларини таъминлаш бўйича жумҳурият Олий Кенгашининг режа-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг тавсияларига мувофиқ, ижро учун қабул қилинган эди.

1989 йилги жумҳурият бюджетининг ижро этилиш натижалари шуни кўрсатдики, мавжуд қийинчиликлар бўлишига қарамай, жумҳурият иқтисодиётида маълум силжишларга эришилди.

Бинобарин, 1989 йилги Ўзбекистон ССЖ давлат бюджети барча асосий даромад манбалари бўйича умуман 12 миллиард 14,8 миллион сўм миқдорида ёки 102,4 фоиз бажарилди, режадан ортиқ 260,2 миллион сўм сафарбар қилинди.

Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти бюджети, барча вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромад олиш режаларини бажарди ва барча режа ҳамда бюджетда кўзда тутилган топшириқ ва тадбирлар амалга оширилди.

Бюджет маблағлари асосан жумҳурият аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилиб, 1989 йилда 1988 йилдагига нисбатан улар 1084,5 миллион сўм миқдорида ёки 10,4 фоиз ўсди.

Жумҳуриятда иқтисодий аҳволни яхшилаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳукуматнинг қарорларига кўра режа ва бюджетда кўзда тутилган сўмдан бюджет маблағларининг эркин қолдиғи ҳисобидан вазирлик, идоралар, вилоят ижроқўмларига қўшимча маблағлар ажратилди.

Бу маблағдан улар ўз оборот маблағларидаги камомадни тўлдириш, капитал қурилишдаги ҳисоб-китобларни яхшилаш, ижтимоий-маданий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳоли яшайдиган ерларни ободонлаштириш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, шунингдек, бошқа зарур тадбирлар ўтказишга фойдаланадилар. Ажратилган бу маблағ умуман 285,9 миллион сўмни ташкил қилди. Маҳаллий бюджетлар бўйича эса юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларга ўхшаш ишлар учун 189,9 миллион сўм жалб қилинди.

Буларнинг ҳаммаси ва бошқа тадбирлар халқ хўжалиги тармоқларида молиявий аҳволнинг яхшиланишига ёрдам берди.

Шу билан бирга жумҳурият маҳаллий бюджетлари умуман фойда олиш режаларини бажарган бир пайтда Ўзбекистон ССЖнинг қатор вазирликлари ва идоралари бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини анчагина сўмга бажара олмадилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти давлат бюджетининг 1989 йилги сарф-харажатлар қисми 11 миллиард 536,2 миллион сўм миқдорида ёки аниқлик киритилган режага нисбатан 98,4 фоиз ижро этилди. Бунда жумҳурият Олий Кенгашининг сессиясида тасдиқланган кўрсаткичларга нисбатан сарф-харажатлар 15,3 фоиз ёки 1 миллиард 532,3 миллион сўм ошди.

Умуман давлат бюджети даромадлари сарф-харажатлардан 478,7 миллион сўм ошиб кетди. Уларнинг 359,8 миллион сўми ёки 75,2 фоизи маҳаллий бюджетларга тўғри келади.

Бу маблағлар жорий йилда жумҳурият аҳолисининг турмуш даражасини ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар учун пул сарфлаш имкониятини берди.

1989 йил давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги қарор лойиҳаси Сиз ҳурматли депутат ўртоқларга тарқатилган, уни кўриб чиқиб тасдиқлашингизни сўрайман.

«МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси депутат Э. Ҳ. ХАЛИЛОВ маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Сизнинг муҳокамангизга «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ қонуни лойиҳаси киритилмоқда.

Бундай ҳужжатни қабул қилишни жиноятчиликка қарши курашнинг ҳозирги шароитлари, иқтисодий, ижтимоий ва миллатлараро муносабатлар кескинлашганлиги, жамиятнинг муҳофаза қилувчи идоралар, хусусан милициянинг ана шу муаммоларни ҳал қилишдаги тутган ўрнига қўяётган талаблари ошганлиги тақозо этмоқда.

Жумҳуриятда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан милициянинг фаолиятига боғлиқ. Шу сабабли милиция ходимларига ўз зиммаларидаги бурчларини самарали бажаришлари учун амалда зарур имкониятлар яратиб бериш, уларнинг ҳар қандай таъсирдан мустақиллигини, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаланганлигини таъминлаш жуда муҳимдир.

Ушбу қонун лойиҳаси юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Уни тайёрлашдан олдин амалдаги қонунларнинг нормалари, ички ишлар идораларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти, улар ходимларининг иш шароитлари ўрганиб чиқилди. Жумҳурият прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, мутахассислар ва ҳуқуқшунос олимларнинг таклифлари, шунингдек милиция тўғрисидаги Умумиттифоқ қонуни лойиҳаси юзасидан тушган таклифлар ҳисобга олинди. Бундан ташқари чет эллардаги полиция ишини бошқариш тажрибаси ҳамда ССЖИ шунга ўхшаш лойиҳаларидаги айрим қоидалар эътиборга олинди.

Лойиҳада милиция ходимларининг хавфсизлиги, обрўси ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг энг таъсирчан ҳуқуқий чора-тадбирлари кўрсатиб берилган. Бу тасодифий эмас, чунки милиция ходимларини ўлдириш, уларга ҳужум қилиш, шунингдек қаршилик кўрсатиш ҳолларига дуч келинмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи ичидагина 19 нафар милиция ходими ҳалок бўлди, 264 милиционер тан жароҳати олди, 175 марта милицияга қаршилик кўрсатиш ва 55 марта ҳокимият вакилларига итоат этмаслик ҳоллари юз берди.

Шу сабабли милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаганлик, уни ҳақоратлаганлик, унга қаршилик кўрсатганлик, зўрлик ишлатганлик, унинг ҳаётига тажовуз қилганлик ҳамда милициянинг ўз зиммасига юклатилган бурчларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарликка тортиш қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Хусусан, милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, текшириш учун ҳужжатларни тақдим этиш, милицияга бориш, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаганлик ёки милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда итоат этмаганлик, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги ўз бурчларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаганлик 200 сўмгача жарима солинишига олиб келади.

Маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил давомида ана шундай хатти-ҳаракатларни такрор содир этганлик фуқароларга ва мансабдор шахсларга 500 сўмгача жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий ҳибсга олишга сабаб бўлади.

Милиция ходимини, терговчини, дастлабки терговни амалга ошираётган шахсни ёки жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги ўз бурчларини бажараётган бошқа шахсларни ҳақорат қилганлик, узрли сабабларсиз кўрсатилган муддатда милицияга келмаганлик, милиция ходимини атайлаб ёлғондан чақирганлик, унинг хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган қонуний топшириқларини бажармаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик тарзида милицияга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этиш таклиф қилинади.

Милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришлари билан боғлиқ қонуний фармойишлари ёки талабларини бажармасликка ҳар қандай шаклда очиқдан-очиқ даъват қилганлик, худди шунингдек милиция ходимларига оммавий суратда итоат этмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайлаб ёлғон уйдирмалар тарқатганлик учун уч юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солиш тарзида маъмурий жавобгарликка тортишга ёки ўн беш суткагача ҳибсга олишга сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Чунончи, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл очиб берадиган сабабларга ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир милициянинг ёзма таклифларини бажариш юзасидан чора-тадбирлар кўрмаслиги беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Бу жуда муҳим нормадир. Афсуски, баъзи мансабдор шахслар милициянинг ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл очиб берадиган сабабларни бартараф этиш ҳақидаги таклифига эътибор беришни зарур деб ҳисобламайдилар. Энди қонун уларни ана шу бурчига катта масъулият билан қарашга мажбур қилади, бу эса қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишига маълум даражада ёрдам беради.

Мазкур ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар халқ судъяси томонидан маълумотлар тушганидан кейин уч сутка мобайнида якка тартибда кўриб чиқилади.

Жиноятчиликка доир қонунларнинг милиция нормал фаолиятини муҳофаза этадиган ҳамда унинг ходимларни ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қиладиган амалдаги нормалари ўз самарадорлигини бирмунча йўқотди.

Милиция ходимларининг ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга бурчли бўлган бошқа шахсларнинг обрўсини ва қадр-қимматини ошириш мақсадида милиция ходимига қаршилик кўрсатганлик ва уни ҳақоратлаганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш таклиф қилинади. Хусусан бундай қилмишлар учун озодликдан маҳрум қилиш муддати узайтирилмоқда ва жарима миқдори ўн баробар кўпайтирилмоқда.

Милиция ходими, дастлабки суриштирувни амалга ошираётган шахс, терговчи, шунингдек бошқа шахсларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз хизмат вазифаси ёки ижтимоий бурчини бажараётганлиги муносабати билан улар ҳаётига бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктирган ёки қурол ёхуд бошқа буюмларни ишлатган ҳолда тажовуз қилиши ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

Милиция ходимининг ҳаётини ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлаш зарурлиги туфайли жиноятчиликка доир қонунларни янги нормалар билан тўлдириш таклиф қилинади.

Чунончи, ўлдириш, тан жароҳатлари етказиш, молмулкни йўқ қилиб ташлаш ёки милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётганлиги муносабати билан унга нисбатан бошқача ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш билан таҳдид қилиш икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ё бўлмаса икки минг сўм миқдорда жарима солиш билан жазоланади. Милиционерга ёки жамоат тартибини сақлашни таъминлаётган бошқа шахсларга енгил тан жароҳатлари етказганлик ёки уларни калтаклаганлик учун ҳам ана шундай жавобгарлик белгиланади. Унча оғир бўлмаган ёки оғир тан жароҳати етказилган тақдирда жазо ҳам шунга яраша қучаяди. Бундай ҳаракатлар уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

Милиция ходимини қасддан ўлдириш қаттиқ жазоланади. Бундай жиноят учун ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилади.

Лойиҳа милиция ходимларининг мустақиллигини ва уларнинг нуфузини ҳам мустаҳкамлаши керак.

194—5-моддада милиция ходими, дастлабки суриштирувчи, дастлабки терговни амалга ошираётган шахс ҳизмат вазифаларини ўз вақтида, тўла-тўкис бажаришига тўсқинлик қилиш мақсадида унинг фаолиятига қонунсиз равишда аралашиш икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш билан, ёхуд уч юз сўмдан бир минг сўмгача жарима солиш билан жазоланиши белгиланган.

Қонун чиқарувчининг бундай чораларни кўриши «телефон ҳуқуқи» деб аталган нарсани ҳуш кўрувчиларни жиддий мулоҳаза қилишга мажбур этади.

Лойиҳанинг навбатдаги моддаси милиция ходимининг мулкини атайлаб шикастлаганлик ёки йўқ қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилайди. Бундай хатти-ҳаракатларни содир этишда айбдор бўлган шахс уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Ўт қўйиш ёки жамият учун хавфли бошқа усул билан амалга оширилган, ё бўлмаса одамлар қурбон бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган шундай ҳаракатлар саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Лойиҳада милиция ходимининг фаолиятига ижтимоий кафолат бериш масалалари алоҳида ўрин тутади. Шуни айтиш керакки, қонун чиқарувчи ва давлат идоралари ҳозирги вақтга қадар ушбу масалаларга етарли эътибор бермай келдилар, бу эса ижтимоий адолат негизларига зид бўлиб, милиция ходимларининг очиқдан-очиқ норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ана шундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида лойиҳада милиция ходимларига маълум имтиёзлар бериш, уларнинг моддий ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш юзасидан баъзи фикрлар баён қилинган.

Хусусан, милиция ходимининг уй-жой тақсимлашда, хонадонига телефон ўрнатишда, мактабгача тарбия муассасаларида жой берилишида ва бошқа ҳолларда имтиёзлардан фойдаланиш таклиф қилинмоқда. Шунингдек милиция ходими ўз хизмат вазифасини бажараётган чоғида қасддан ўлдириш, унинг саломатлигига тажовуз қилинган ва шу каби ҳолларда милиция ходимининг оиласига бир йўла нафақалар бериш кўзда тутилмоқда.

Милициянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлари жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги вазифани муваффақиятли ҳал қилишнинг гаровидир.

Милиция ходимларига ўз хизмат бурчларини бажаришлари учун, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш қонунинг милиция ходимининг, гарчи жумҳурият жиноят кодекси алоҳида қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатлар белгисига мос келсада, бироқ зарурий мудофаа, ўта зарурият ё бўлмаса профессионал хавф ҳолатида ўринли содир этган ҳаракатларини жиноят деб ҳисобламайдиган нормасида ўз аксини топган.

Депутат ўртоқлар, қонунда белгиланган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланиш яқин вақт ичидаёқ ҳозирги вазиятни яхшилашда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда жиддий бурилишга эришишимизга имкон беради.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

(Давоми. Бошн 1-бетда).

юртларининг мақоми тўғрисидаги Президент фармонларини бажаришга доир, амалий тадбирлар тўғрисида ахборот йўқлигидан чуқур ташвиш билдирилди.

Аҳолининг энг кам ҳимоя қилинган гуруҳларидан бири бўлмиш талабалар бозорга ўтиш муносабати билан эртанги кундан ташвишга тушмоқдалар, деб таъкидланди кўпгина нутқларда. Олий ўқув юртларини тугатганларнинг кўпчилиги ишга давлат томонидан тақсимланмайди ва уларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу тамойилда ёш мутахассислар оммавий равишда ишсизликка дучор бўлиши хавфи кучаймоқда.

Кўпчилик нотиқларнинг фикрича, туб ўзгартишларнинг аниқ-равшан натижалари, жумладан таълим соҳасида ҳам етарли даражада кўзга кўринмаётганлиги талабалар орасида ижтимоий танглик кучайишининг ва баъзи олий ўқув юртлари марказларида вазият кескинлашувининг асосий сабабларидан бири бўлмоқда. Вазият талабаларнинг маҳаллий ҳокимият идоралари билан доимий алоқалари йўқлиги натижасида ҳам кескинлашмоқда.

М. С. Горбачев ўз нутқида ва саволларга қайтарган жавобларида халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарликка доир ишлар тугатилганлиги, Президент ва ҳукумат уларни рўёбга чиқариш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар ҳақида учрашув қатнашчиларини хабардор қилди.

Талабаларнинг намояндалари касб-ҳунар таълими соҳасида ҳозирги сиёсатнинг принциплари билан батафсил танишдилар, бу принциплар олий мактабни ривожлантириш юзасидан давлат ишлаб чиқаётган дастурга асос қилиб олинган. Унда бозор муносабатлари шароитида мазкур соҳани ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига, шунингдек талабаларни ўқиш даврида ва меҳнат фаолиятининг дастлабки босқичида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир тадбирларга алоҳида эътибор берилади.

М. С. Горбачев талаба ёшларнинг янгиланиш жараёнларида фаол, амалий қатнашишга йўналтирилган ижтимоий ва сиёсий ишларига юксак баҳо берди. Буни жамият ва давлат эътироф қилмоқда. Президент сиёсий вазиятга умумий баҳо берар экан, ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаси — умуммиллий тотувлик, фуқаролар тинчлиги, инсонпарварлик ва демократия қоидалари асосида жамиятни янгилаш манфаатлари йўлида бунёдкор кучларни бирлаштириш воситаларини излаш ва унга эришишдан иборат эканини алоҳида таъкидлаб, талабаларни мураккаб сиёсий вазиятда фуқароларга хос сезгирликка ва ўйлаб иш тутишга чақирди.

Суҳбат чоғида талабалар илгари сурган аниқ-равшан муаммолар ва таклифлар кўриб чиқилди. Ҳукуматга «ССЖИда олий таълимни ривожлантириш давлат дастури» ўзил-кесил ишлаб чиқилаётган пайтда ва маориф соҳасида ҳамда ёшлар сиёсати хусусида қонун ҳужжатларининг лойиҳалари тайёрланаётган вақтда муҳокама натижаларини ҳисобга олиш топширилди. Бу ишда талабалар ҳам бевосита қатнашадилар. Талабаларнинг мамлакат олий раҳбарияти билан доимий алоқасини таъминлайдиган тузилмаларни вужудга келтириш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

Учрашувда ССЖИ Вазирлар Кенгашининг раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита котиби А. С. Дзасохов, ССЖИ Олий Кенгаши қўмиталарининг раислари В. Н. Беляев, В. И. Цибух, ССЖИ Халқ таълими давлат комитетининг раиси Г. А. Ягодин, ССЖИ касаба уюшмалари умумконференциясининг раиси В. П. Шчербаков, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. М. Зюкин қатнашдилар.

Учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

ССЖИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

МАМЛАКАТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ҚИШКИ ШАРОИТДА ИШЛАШГА ТАЙЁРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Олий Кенгаши мамлакат халқ хўжалиги тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий-маиший иншоотларни қишга тайёрлаш юзасидан олиб борилган ишларни қониқарли, деб эътироф этиб бўлмаслигини таъкидлайди.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши, вазирликлар ва идоралар қишки шароитда ишлашни таъминлашга қаратилган тадбирларни рўёбга чиқариш юзасидан идораларга қарашли корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини назорат қилишга оид ташкилотчилик ишлари даражасини пасайтириб юбордилар. Янги энергетика иншоотлари анча кечикиб ишга туширилмоқда, мавжуд қувватлар такомиллаштирилиб, техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланмоқда ва ремонт қилинмоқда. Нефть ва кўмир қазиб олиш, ёқилғи-энергетика комплекси ва коммунал хўжалик ускуналари ҳамда материалларини етказиб бериш юзасидан давлат буюртмалари бажарилмаяпти. Темир йўл транспорти ёқилғи ташишни ддалай олмаяпти, темир йўл хўжалигини қишки шароитда ишлашга тайёрлашда жиддий камчиликлар бор.

Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг Вазирлар Кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз фаолиятини ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонун берган ҳуқуқларга мувофиқ тарзда қайта қурмадилар, уй-жойлар, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, шаҳар транспорти муассасаларини, маҳаллий хўжаликнинг коммунал-маиший ва бошқа иншоотларини қишга тайёрлаш учун аниқ ижрочиларга нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмадилар. Мамлакатнинг кўпгина минтақаларида мавжуд иситиш системалари ремонти тугамаган, фойдаланишга топшириш мўлжалланган иситиш системалари қуриб битказилмаган, аҳолига сотиш учун зарур ёқилғи запаслари ташкил этилмаган, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини камайтириш тадбирлари кўрилмаяпти. Картошка ва сабзавот, озуқа экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва уларни тайёрлашга оид ишлар, молхоналар ва бошқа қишлоқ хўжалиги иншоотларини тахт қилиб қўйиш анча кечикиб олиб борилмоқда.

Бир қанча жумҳуриятларда транспорт ер ости иншоотларини тўсиб қўйиш борасидаги ҳуқуққа зид хаттиҳаракатлар, ҳокимият маҳаллий органларининг ёқилғи-сув тармоқлари корхоналари, энергия ва газ таъминоти ягона системаси корхоналари фаолиятига аралашаётганлиги туфайли аҳвол янада мушкуллашмоқда.

ССЖИ Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. ССЖИ Вазирлар Кенгашининг мазкур масала юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

ССЖИ Олий Кенгаши комитетлари ва палаталар доимий комиссиялари, ССЖИ халқ депуталарининг муҳокама чоғида айтган таклиф ва мулоҳазалари ССЖИ Вазирлар Кенгаши ва жумҳуриятларнинг идоралари ўз ваколати доирасида шошилинч чоралар кўришлари учун уларга топширилсин.

2. Ёқилғи қазиб олиш ва ташишда, энергетика иншоотларини ишга тушириш ва ремонт қилишда, ёқилғи-энергетика комплекси ва коммунал хўжалик корхоналарига ускуналар ҳамда материаллар етказиб беришда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш соҳасида қаттиққўл сиёсатни амалга ошириш юзасидан шошилинч чоралар кўрсин;

давлат бошқарувининг жумҳурият ва маҳаллий идоралари билан биргаликда бир ой муддат ичида электр станцияларидаги қуриб битказилган энергия блокларини, шунингдек энергетиканинг илгари ёпиб қўйилган иншоотларининг атроф муҳитига таъсирини камайтириш юзасидан кўрилаётган чораларни ҳисобга олиб, уларни фойдаланишга топшириш имкониятини кўриб чиқсин;

мамлакатнинг энергетика дастурини ишлаб чиқишни шу йил ниҳоясига етказсин ва уни ССЖИ Олий Кенгашига тақдим этсин.

3. Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий идораларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига қуйидаги масалалар:

энг аввало ижтимоий соҳа ва коммунал-маиший сектор иншоотларининг бошланган қиш даврининг эҳтимол тутилган фавқулодда иқлим шароитида электр ҳамда иссиқлик билан пишиқ-пухта таъминланишини яхшилаш;

чорвачилик комплексларини ем-хашак, иссиқлик ва энергия билан, шунингдек уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

1990 йилнинг тўртинчи кварталида айниқса зилзила ва табиий офатлар рўй берган Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа минтақаларда ижтимоий инфраструктуранинг ишга туширилиши лозим бўлган иншоотларини фойдаланишга топширишни таъминлаш тадбирларини кўриш;

мамлакат уй-жой-коммунал хўжалиги ишларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш тавсия этилсин.

4. ССЖИ Президентига 1990—1991 йилларнинг қиш даврида мамлакат халқ хўжалигининг барқарор ишлашини ҳамда энергетика ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун амалий чоралар кўриш юзасидан зарур фармонлар чиқариш тавсия этилсин.

ССЖИ Олий Кенгаши иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига, барча даражадаги Советларнинг халқ депутатларига мурожаат қилиб, уларни қиш шароитида халқ хўжалиги корхоналари ва ижтимоий соҳа иншоотлари барқарор ишлашини яхшилашга бутун чоралар билан кўмаклашишга даъват этади.

ССЖИ Олий Кенгашининг раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 30 октябрь.

Молдова ССЖдаги воқеалар муносабати билан КПСС Марказий Комитети котибиятининг баёноти.

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги бузилишларнинг оқибати сифатида Молдова ССЖдаги вазият кескинлашганлиги мамлакат коммунистларини, бутун жамоатчилигини қаттиқ ташвиш ва таҳликага солмоқда. Молдова жумҳуриятидаги фуқаролар осойишталиги ва жумҳуриятнинг яхлитлиги хавф остида қолди.

Шу муносабат билан қуйидагиларни билдиришни зарур деб ҳисоблаймиз. КПСС миллий масаладаги ўзининг принципиал йўлига асосланиб, барча миллат ва элатларнинг манфаатлари ҳурмат қилиниши учун, жумҳуриятнинг суверенитети ва яхлитлигини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилиб келди ва ҳаракат қилмоқда, у миллий шовинизм ва айирмачиликнинг ҳар қандай кўринишлари қайси томондан чиқаётган бўлмасин, уларга қатъиян қаршидир.

Молдова ССЖнинг фуқаролари иноқлигига, яхлитлигига, унинг чинакам суверенитетига жамиятда келиб чиқаётган миллий муаммоларни одилона ҳал этиш, мазкур ҳудудда яшаб турган барча халқларнинг манфаатларини эътиборга олиш йўли билангина эришиш мумкин.

Коммунистларни, барча ижтимоий-сиёсий кучларни ақл-идрок овозига қулоқ солишга, беҳуда эҳтиросларни, жиззакиликни, ғумонсирашни хаёлдан чиқариб ташлашга, вужудга келган қийинчиликларни фақат сиёсий, маданий воситалар билан ҳал этиш йўлида сабр-тоқат билан амалий мулоқот олиб боришга чақирамиз.

КПСС Марказий Комитетининг котибияти.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССЖНИНГ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилганлиги муносабати билан ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) 102-моддасининг 8-бандига биноан Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССЖ Президентининг ўртоқ Шукурулло Раҳматович Мирсаидовни Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси вазифасидан озод қилиб Ўзбекистон ССЖнинг Вице-Президенти этиб тайинлаш тўғрисидаги 1990 йил 1 ноябрдаги Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 1 ноябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ЖУМҲУРИЯТГА БЎЙСУНУВЧИ ВАЗИРЛИККА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССЖнинг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Декларацияга мувофиқ ҳамда жумҳуриятнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш йўллари ва усулларини такомиллаштириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши шу йилнинг охиригача ССЖ Иттифоқи Ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлигини жумҳуриятга бўйсунувчи вазирликка айлантириш тўғрисида битим тузсин ва унинг идораларини криминал ҳамда муниципал шакллар принципи асосида ислоҳ қилсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Жамоат хавфсизлиги бош бошқармаси тузилиб, унинг зиммасига умуммиллий манфаатларни таъминлаш ҳамда жумҳуриятнинг мустақиллиги ва бутунлигини муҳофаза этиш чораларини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши жумҳуриятдан йигитларни Совет Армиясига чақириш юзасидан белгиланган лимитлар доирасида Ўзбекистон ССЖ ҳудудида жойлашадиган ички қўшинларга аскар олишни таъминласин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 31 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ «НАРОДНОЕ СЛОВО» РЎЗНОМАСИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ВА «ХАЛҚ СЎЗИ» ҲАМДА «НАРОДНОЕ СЛОВО» РЎЗНОМАЛАРИНИНГ БОШ МУҲАРРИРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг «Народное слово» рўзномаси таъсис этилсин.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг бош муҳаррири этиб СССР халқ депутати, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси правлениесининг раиси ўртоқ Аҳмаджон Ғуломович Мухторов тайинлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 31 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРОКУРОРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Бўритош Мустафоев Ўзбекистон ССЖ прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 1 ноябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССЖ Конституцияси 115-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ:

Ўзбекистон ССЖ Давлат план қўмитаси раисининг ўринбосари Пўлат Носиров.

Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси Акмал Холматович Саидов Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат қўмитасининг таркибидан чиқиб кетган деб ҳисоблансин.

2. Жумҳуриятдан ташқарига чиқиб кетганлиги муносабати билан ҳамда «Ўзбекистон ССЖда Конституциявий назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Владимир Дмитриевич Великанов Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат қўмитаси таркибидан чиқиб кетган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат қўмитасининг аъзоси этиб қуйидаги ўртоқлар сайлансин:

Омон Ҳамидович Олимжонов — Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши котибиятининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Борис Ильич Пинхасов — Ҳ. С. Сулаймонова номли суд экспертизаси илмий-тадқиқот олийгоҳининг директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Миракбар Ҳожиакбарович Раҳмонқулов — Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси раёсати бош илмий котибининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 31 октябрь.

Беруний районидаги Беруний номли давлат хўжалиги полизчилари бу йил мўл қовун етиштирдилар. Ҳозирга қадар 1,5 тонна қоқи тайёрланди. Ана шу кўрсаткич 2 тоннага етказилади.

СУРАТДА: илғор ишчи Нозима Сапарова.

Р. УТАМУРОДОВ олган сурат.

Янгиқўрғон районидаги «Октом» давлат хўжалиги деҳқонлари картошка сотиш режасини ошириб бажардилар. Ҳар гектар ердан 130 центнер ўрнига 170 центнердан неъмат йиғиштириб олинди. Жами майдон оилавий звеноларга бўлиб берилгани ана шу муваффақиятни таъминлади.

СУРАТДА: Абдуфатто Абдуқаҳҳоров оиласи терим пайтида.

А. КОВТУН олган сурат. (ЎзТАГ)

«ЮКИНГИЗ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ!»

ҒУЗОРДАГИ 2532-АВТОКОЛОННА ҲАЙДОВЧИЛАРИ ЎЗ БУЮРТМАЧИЛАРИГА ШУНДАЙ КАФОЛАТ БИЛАН ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДАЛАР

Йўлларни сертармоқ халқ хўжалигининг, ҳаётимизнинг қон томирига муқояса этишади. Бу бежиз эмас. Бирон бир сабаб билан катта йўллар кесишган чорраҳада озгина муддат турсангиз ҳозирги кунларимизнинг шиддаткор маромини, қайноқ нафасини яққол ҳис этасиз: тайёрлов бўлинмаларидан пахта тозалаш заводларига хом ашё элтаётган қўш тиркагичли машиналар дамбадам кўзга ташланади. Қурилишларга ғишт, тош-шағал, темир-бетон конструкциялар ва бошқа ускуналарни олиб кетаётган транспорт воситалари ҳам тез-тез ўтиб турибди. Савдо шохобчаларига ун-гуруч, қанд-қурс, салқин ичимликлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини, саноат молларини ташиётган автомашиналарни кўриш мумкин. Автобуслар, такси белгиси туширилган енгил автомобиллар, қўйингчи, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига хизмат кўрсатадиган транспорт воситалари катта йўлни тўлдириб у ёқдан бу ёққа ўтиб боради. Зотан, ана шу манзарани шиддат билан оқаётган дарёга қиёслаш мумкин. Ҳаёт қон томиридаги бундай серқатновлик, гавжумлик фақат ярим тунда бироз муддат сусаяди. Тонг отар-отмас йўллар яна транспорт воситаларининг гуриллаши билан тўлади...

Қашқадарё вилоятининг катта-кичик йўлларида ён томонига 2532-автоколонна» деб ёзилган қудратли «МАЗ», «КАМАЗ», «ЗИЛ» юк машиналари, автобуслар, такси белгиси туширилган енгил автомобиллар тез-тез кўзга ташланади. Уларни бошқариб бораётган эпчил, тадбиркор ҳайдовчилар халқ хўжалиги юкларини қўзлаган манзилларга ўз вақтида етказиб беришни, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар.

Ана шу йирик автохўжалик «Қашқадарётранс» вилоят бирлашмаси бўлинмалари ўртасида ўзига хос мавқега эга бўлиб, ажойиб меҳнат анъаналари, заҳматкаш ҳайдовчилари, қимматли ташаббуслари билан танилган. Бундан йигирма саккиз йил муқаддам ташкил топган кичик бўлинма ўтган даврда ҳар томонлама тараққий этиб, йирик автокорхонага айланди.

Сўз юритилаётган меҳнат жамоасининг илк одимларига назар ташласангиз ўша пайтда атиги 28 та машина бўлганлиги, эллик киши меҳнат қилганлигининг гувоҳи бўласиз. Автохўжалик аста-секин оёққа турди, транспорт воситалари, ҳайдовчилар сони, бажарилаётган иш ҳажми ортиб борди. Бу вақтга келиб автомашиналарни созлайдиган устаҳоналар вужудга келтирилди, ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимлар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Етмишинчи йилларда у Қашқадарё вилоятидаги йирик автокорхоналардан бирига айланди. Шу даврда Ғузор районига қўшин бўлган Деҳқонобод ва Қамашида бўлинмалар ташкил этилди. Кейинчалик улар мустақил автохўжаликлар бўлиб ажралиб чиқди. Ғузорликлар янги корхоналар оёққа туриб олиши учун яқиндан ёрдам беришди.

2532-автоколонна ҳақида гап борганида, унинг чорак асрдан зиёд даврда амалга оширган ибратли ишлари фахр-ифтихор билан тилга олинади. Мазкур меҳнат жамоаси Пачкамар, Лангар, Қамаши, Таллимаржон, Ҳисорак сув омборлари, «Москва», «Пахтаобод», Ульянов номли каналлар, кўплаб насос станцияларини барпо этишда фаол иштирок этган. Автокорхона ҳайдовчилари Қашқадарё вилоятидаги йирик саноат корхоналари қурилишига бинокорлик материалларини етказиб беришда ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар. Қувончли техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришилишида жамоа аъзоларига катта ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги, ижтимоий ривожланиш дастуридаги режалар изчил амалга оширилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий болалар боғчасида ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари тарбияланмоқда. Ердамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотлардан жамоа аъзолари баҳраманд бўлишаяпти. Уй-жойлар қуриш, теварак-атрофни ободонлаштириш, созлаш устаҳоналарини қулай ва серунум ускуналар билан жиҳозлаш борасида ҳам кўзга кўринарли тадбирлар адо этилаётир.

Автокорхона ҳозирги пайтда тармоқнинг байроқдорлари қаторидан ўрин олган экан, бунда энг аввало ишлаб чиқариш пешқадамларининг, янгилик ихлосмандларининг ҳиссаси катта. Меҳнат жамоаси ривожланиш босқичларини босиб ўтган даврда ҳайдовчилар, созловчилар, инженер-техник ходимлар қийинчиликларни енгиб ўтиш жараёнида ижодий изландилар, чиниқдилар, камол топдилар. Шу ўринда биргина мисолни келтириб ўтайлик: йирик сув иншооти жадал қурилаётган пайт. Бу ерга тош-шағал кўп талаб қилинаётганди. Машиналар кўпу уларга ортиб берадиган экскаватор кам эди. Шунинг оқибатида ҳайдовчилар навбат кутиб қолишарди. Демак, уларнинг қиммати вақтлари беҳуда ўтаяпти, машинадан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлмоқда. Бундан ташқари зарбдор қурилишга тош-шағал мўлжалдагидан кам етказиб беришаётир. Нима қилиш керак? Ҳайдовчилар етакчиси Анатолий Тимофеевич Сабанцев ўйлаб-ўйлаб аллақайси ташкилотда бир экскаватор анча пайтдан бери бузилиб ётганлигини, фойдаланилмаслигини эслади. Мутасадди идоралар орқали ўша эски техникани вақтинча олишга муваффақ бўлишди. Бузуқ экскаваторни тош-тағал олинаётган сой соҳилига олиб келиб, ишдан кейин ва дам олиш кунларида биргалашиб тузатишди. Бу ишга бригаданинг ҳар бир аъзоси ўз ихтиёри билан, ҳеч қандай тарғиботташвиқотсиз ҳисса қўшди. Вақтнинг тиғизлиги, умумий иш манфаати шуни тақозо этарди. Бу экскаватор сафга қўйилгач, сув иншоотига зарур қурилиш материалини етказиб бериш тезлашди. Ҳайдовчиларнинг меҳнат унумдорлиги ошди. Бу — А. Сабанцевнинг фидойилигидан, жонкуярлигидан бир кичик лавҳа, холос. У ўзининг кўпгина фазилатлари билан ҳамкасблари ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган, Қашқадарё вилоят партия комитети бюросининг аъзоси этиб сайланган.

Автохўжаликда бундай ишлаб чиқариш пешқадамлари кўп. Исмат Ҳамроев, Ҳамид Жўраев, Амир Бегимқулов, Ярат Ҳайдаров, Шавкат Шомуродов, Сафарали Ҳайдаралиев, Суяр Ҳасанов сингари ҳайдовчилар белгиланган топшириқларни ошириб бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йиллик режаларини муддатидан бир-бир ярим йил илгари адо этиб, ҳозирги пайтда 1992 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар Файзи Бобоназаров, Юсуф Йўлдошев, Нормўмин Сатторов каби ҳайдовчилар ҳам меҳнат беллашувининг олдинги сафларида бормоқдалар. Илғорлар буюртмачиларга намунали хизмат кўрсатиш билан бирга ёнилғи, эҳтиёт қисмларни тежаш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам яхши натижаларга эришаяптилар.

Янгилик ихлосмандларининг ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Даврон Бўронов, Фозил Эшназаров, Бозор Омонов, Ниёз Қаҳҳоров, Шуҳрат Оқмирзаев, Зокир Ҳакимов сингари рационализаторлар фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этмоқдалар. Ўн иккинчи беш йиллик якунловчисининг ўтган даврида олтита янгилик қўлланилиб, 16 минг сўм иқтисодий самара кўрилди.

— Беш юз кишилик меҳнат жамоамизнинг ғайратшижоати, ижодий изланиши, қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлидаги жонбозлиги биз эришаётган натижаларда, техник-иқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топмоқда, — дейди 2532-автоколонна бошлиғи Гелди Улашович Омонов. — 1990 йилнинг ўтган даврида 1 миллион 170 минг ўрнига 1 миллион 223 минг тонна халқ хўжалиги юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди. Бу вақтда 6 миллион 700 минг йўловчига транспорт хизмати кўрсатилди. Бошқа кўрсаткичлар қандай адо этилганлигига баҳо бериш учун пировард натижа — даромад олиш даражасига назар ташлайлик. Йил бошидан бери 2 миллион 880 минг ўрнига 3 миллион 688 минг сўмлик даромад кўрилди. Демак, режалаштирилганидан 808 минг сўмлик кўп бўлди. Табиийки, бу ижтимоий масалаларни ҳал этишда, жамоа аъзоларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Қурилиш, ободонлаштириш, маданий-маиший тадбирларга кўпроқ маблағ ажратиш имконияти туғилди. Масалан, маъмурият, партия, касаба уюшмаларининг қарорига кўра ишчи-хизматчиларнинг маълум қисми даврий нашрларга автокорхона ҳисобидан обуна қилинди. «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига юз киши ёзилган бўлса, уларнинг ярми ташкилот ҳисобидан бўлди. Барча ғамхўрликлар ҳайдовчиларни янада унумли меҳнат қилишга ундаяпти.

С. САИДАЛИЕВ.

«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Тўлқайчин

ШАҲАР БЕДАРВОЗАМИ?

Исоқ оға одатдагидек ишдан келди-ю тоққайчини олиб, чорбоғ оралади. Дарахт новдасига қўл юборган ҳам эдики, бутун вужуди кучли зарбадан зириллаб-титраб кетди. Жон ҳолатда ўзини орқага ташлади. Уйидан беш-олти қадам нарида жойлашган эски трансформатор кўзига ёвуз аждаҳога ўхшаб кўринди. «Жумагулга айтиш керак, болаларни эҳтиёт қилсин!» дея хаёлидан ўтказди.

Кечаси бомба портлагандек гумбурлаш эшитилди. Яна чироқ ўчди. Яна одамлар сарсону саргардон бўлиб, зорланиб-изиллашди... Оғанинг боши қотди: нима қилиш керак? Энди қаерга, кимга мурожаат этсин? Ахир, у ёлғиз ўзи учун елиб-югурмаяпти-ку. Бундай тартибсизлик қачонгача давом этади? Наҳотки, электр тармоқлари мутасаддиларининг мушугини пишт дейдиган кимса бўлмаса?

Трансформатордан ишкал чиққанда оға маҳаллий нурчилар билан жиддий тўқнашди. Ўртада аччиқ гаплар ўтди. Нурчилар ундан шикоят қилишди. Оға ҳам қараб турмади. Хуллас, зиддият кескинлашиб бораверди.

И. Абдуллаев шикоятини ўрганиш жараёнида турли кишилар билан суҳбатлашдим ва англадимки, бу зиддият шунчаки икки томоннинг ўзаро можароси, келишмовчилиги эмас. У Хива ноҳиясининг Қосмаобод шаҳарчасидаги социал-маиший муаммолар жамият ҳаётида юзага келган зиддият ва мураккабликларнинг инъикосидир. Турғунлик йилларида авж олган тобелик, мутелик, лоқайдлик, сансалорлик, хўжасизлик, тарафкашлик ва ниҳоят, қайта қуриш, ошкоралик берган имтиёзлардан умидланган уйғониш, исён зоҳир эди бу можарода.

Очиғи, И. Абдуллаев азбаройи нурчилардан норози бўлгани учун эҳтиросга эрк бермаганмикин, деган хавотир бор эди кўнглимда. Аммо маҳалла аҳли йиғилишида қатнашиб, одамларнинг арз-додларини эшитиб, камчиликларни кўргач, ҳамма-сига тушундим. Бола йиғламаса она кўкрак тутмайди-ку, ахир.

— Бизда жонкуяр раҳбар йўқ, — деди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, маҳалла оқсоқоли Абдураззоқ Сатторов. — Агар бўлганда шундай кунларга қолмасдик. Шаҳарчамиз 70-йилларнинг бошларида, кўл ўрнида барпо этилган. Орадан кўп йил ўтган бўлса-да, туриш-турмушимизда ўзгариш йўқ. Битта товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак. Аҳоли ўн икки мингдан ошди. Шаҳарчамизда ҳалигача бозор, чойхона, клуб, кутубхона, кинотеатр йўқ. Ҳаммом қурилиши чала. Э, нимасини айтай, ҳатто марҳумларни сўнгги йўлга кузатиш учун қабристонимиз ҳам йўқ. Шуми мусулмончилик? Электрчиларнинг қилмишларидан-ку роса безор бўлдик. Камчиликларни тегишли жойларга ёзиб, ҳақиқатни талаб қилгани учун И. Абдуллаевга туҳмат ва тазйиқлар уюштирилмоқда. Биз маҳалладошимизни ҳимоя қилишимиз шарт.

— Транспорт қатнови жуда ёмон, — унинг фикрини давом эттирди Машариф Қурёзов. — Шаҳарчамизда бironта фабрика, завод ёки корхона бўлими йўқ. Ишсизлар кўп. Боғча етишмаганидан одамларнинг хусусий уйларида боғчахоналар очишга тўғри келмоқда. Ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб ётибмиз.

— Йўлларимиз эндигина асфальт қилина бошланди, — дея ҳасратини тўкиб солди таксопарк ҳайдовчиси Ш. Солаев. — Бошқа кўчаларда бу ҳам йўқ. Исоқ Абдуллаев ўзи учун қайғураётгани йўқ-ку! У тўғрисўз, ҳақиқатгўй одам. Табиий офатдан зарар кўрган Арманистон, Тожикистон аҳолисига ўз жамғармасидан маблағ ўтказди. Савоб учун иккита етим болани боқиб олиб, тарбиялаяпти. Булар олижаноблик эмасми?!

Маҳаллада яшовчилар сув ва газ қувурларида босимнинг пастлиги, тозалаш иншоотлари бўлмагани учун кўчалар, жамоат жойларида ахлатлар тўпланиб қолаётгани, кунлар илий бошлаганда қўланса ҳидлардан уйларда ўтириб бўлмаслиги ҳақида қуйиниб гапирдилар. Ал-Хоразмий номидаги ўрта мактаб ёнида жойлашган кўп қаватли турар-жой бинаси ҳамда унинг қаршисидаги икки қаватли иморатлар олдида тўпланиб қолган ахлат оқоваларини кўриб-кўнглим беҳузур бўлди.

Йиғилишда қайта-қайта тилга олингани электр масаласи бўлди. Шаҳарча аҳолиси чироқларнинг тез-тез ва номаълум муддатга ўчиб қолишига ажабланмай қўйган. Бу ҳол тўй-томошалар, маъракa-маросимлар пайтида такрорланиб турарди. Ана шундай чоғларда монтёрнинг «қўнгли» топилмаса, аҳвол чатоқ. Кучланишнинг носозлигидан чироқлар хира ёнади, телевизорлар яхши кўрсатмайди.

— Сизлардан яширадиган сир-асрорим йўқ, — деди И. Абдуллаев маҳалладошларига юзланиб. — Уйимнинг олдидаги ўша савил трансформатор тинчимизни ўғирлади. Бузилавергани-дан, ўт чиқавергани-дан юрагимизни олдириб қўйди. Яна қанча чидашимиз керак? Ахир, сабрнинг ҳам чегараси бор. Югур-югур, оворагарчиликлардан сўнг мана, ниҳоят, янги трансформатор ажратилди. Негадир уни ўрнатишга шошилишмаяпти. Яқинда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмагани туфайли 15 ёшли болани ток уриб ўлдирди. Аммо жавобгар шахслардан ҳеч ким жазолангани йўқ.

Одамлар «тўлиб» юришган эканми, ҳарқалай, айтадиган гаплари, дардлари тугамасди. Иброҳимов, Наврўзова, Бекчонов, Отажонов, Дарвишов, Хўжаев ҳамда маҳалла қўмитасининг раиси И. Солаев ўртоқлар ҳам юқоридаги мулоҳазаларни қўллаб-қувватладилар. Адолат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган И. Абдуллаев ҳақида ҳамма яхши фикрда эди.

— Шунча муаммо тўпланиб қолган экан, нега раҳбарлардан жиддийроқ талаб қилмадинглар? Наҳотки шаҳар бедарвоза бўлса?

Бу саволларга жавоб оддийгина бўлди: «Айтавериб, идорама-идора юраверib чарчадик. Уларга ишончимиз қолмади!»

Ёраб, бизда кўп нарсалар қатори ИШОНЧ ҳам таҳчил! Додингни ким эшитади? Мени ҳайратга солган яна бир нарса шуки, маҳалла аҳлининг кўпчилиги ўз депутатларини яхши билишмас, ҳатто танишмас экан. Қурилиш-ободончилик ишлари ўлда-жўлда. Мутасаддилар бу ҳақда эшитишни ҳам истамайди. Танаси бошқа дард билмас, дегани шу-да. Биргина йўл муаммосини олайлик. Қош қорайиши билан кўчада юриш амри маҳол. Кексалар тугул кўзи ўткир ёшлар ҳам юрак ҳовучлаб қадам босишади. Чунки қишлоқнинг ички йўллари ёритилмайди, боз устига ўйдим-чуқур. Қишда лой, ёзда чанг.

Очиғи, чучмал ваъдалардан тўйдик. Бизнинг округдан Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлигига сайланган З. Бурҳонов эса йўл масаласини ҳал этишни бўйнига олганди. Орадан бир неча ой ўтди, Дараги йўқ. Эл-юрт ишончига ҳурмат шуми? Наҳотки икки-уч чақиримли йўлни текислаш, асфальтлаштириш бадавлат хўжалик учун мушкул бўлса?!

Т. МУЗАФФАРОВ.

Китоб районидаги «Партия XIX съезди» давлат хўжалиги.

ДЕҲҚОНБУВАДАН: Иним Тоживаой! Куйинганингизча бор. Ҳақиқатан ҳам сизларга қийин экан. Кўнгилни тўқ қилинг. «Салом»нингизни хўжалик директори Ш. Иброҳимовга, қолаверса район ижроия комитети раҳбарларига албатта етказаман. Қишлоқдаги муаммолар каминадан кўра уларга яхшироқ маълум-да. «Гулқайчи»нинг даккиси кор қилиб, йўл қурилишини бошлаб юборишса, ажаб эмас!

САЛОМНОМА

Ассалому алайкум, Деҳқонбува! Бардам-бақувватмисиз, жужуқчалар — неваралар чопқиллаб юришибдими? Ишқилиб, эл бахтига омон бўлинг. Сизни бот-бот эслаб турамиз. Йўл узоқ бўлса ҳам кўнгил яқин-да. Қандай янгиликлар бор, дейсизми? Ҳаммаси эскича. ҳосилни териб топширдик. Бу ёғи гап-гаштак, тўй-тўй-гарчилик...

Фақат бир нарсадан дилимиз хира. Қишлоғимизнинг номи Нурафшон бўлгани билан мақтайдиган жойи йўқ. Қурилиш-ободончилик ишлари ўлда-жўлда. Мутасаддилар бу ҳақда эшитишни ҳам истамайди. Танаси бошқа дард билмас, дегани шу-да. Биргина йўл муаммосини олайлик. Қош қорайиши билан кўчада юриш амри маҳол. Кексалар тугул кўзи ўткир ёшлар ҳам юрак ҳовучлаб қадам босишади. Чунки қишлоқнинг ички йўллари ёритилмайди, боз устига ўйдим-чуқур. Қишда лой, ёзда чанг.

Очиғи, чучмал ваъдалардан тўйдик. Бизнинг округдан Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлигига сайланган З. Бурҳонов эса йўл масаласини ҳал этишни бўйнига олганди. Орадан бир неча ой ўтди, Дараги йўқ. Эл-юрт ишончига ҳурмат шуми? Наҳотки икки-уч чақиримли йўлни текислаш, асфальтлаштириш бадавлат хўжалик учун мушкул бўлса?!

Т. МУЗАФФАРОВ.

Китоб районидаги «Партия XIX съезди» давлат хўжалиги.

САЙЁР

НАШИДА

Пахта нозик ниҳол, пахта-пахтадир!
Лаззатин ҳам машаққатин тотдик.
Ёзда дала эмас, дала нақ тандир!
Пахта — юмшоқ ўзи, меҳнати қаттиқ.

Хирмонни тикладик баҳор кўкидек,
Юз ёруғ, довондан довон ошамиз.
Ғалаба хабарни бугун ўқидик,
Зафар тўйларига шошамиз!!!

Оқиб келар дарё-дарё халқ,
Боғ — денгиз мисоли олар қўйнига.
Булоқдай тошади қувончидан қалб,
Қалб тушар — шодликнинг шўх ўйинига.

Оппоқ пахта—яктак, кўкраклар очиқ,
Оқсоқоллар борар, сокин қадам...
Чиройлари ер узра сочиқ,
Атлас ловуллайди ёнга қарасам...
Унда тўп, бунда тўп, суҳбат қизийди,
Салом чеҳраларда кулиб таралар.
Аския даврани безайди,
Қаҳ-қаҳа янграйди баралла,
Олисдан, яқиндан келган меҳмонлар...
Ҳамма томон нақадар гавжум,
Наҳридан тошмоқда уммонлар...
Куй авжин эшитинг, қаҳқаҳа авжин.
Нега деб бермадим саволим,
Биз хирмон кўтардик, зафар тўйимиз.
Ҳамманинг иқболи — менинг иқболим!
Юксалди ўйимиз, куйимиз, бўйимиз!

АСКИЯ

Рўзнома ва ойнома пайрови

ТОЖИДДИН: Асаджон, хабарингиз бор, бу йил рўзнома ва ойномаларнинг нархи ошди. Янги нашрларга ёзиласизми ёки ойида бир келар деб «Саховат»ни кутиб ётаверасизми?

АСАТУЛЛО: Тожиддин ака! Нархи ошмаган нима қолди? Шунисигаям шукр қилинг, зора бу йилдан бошлаб «Эрк»ингиз қўлингизга тегса.

ТОЖИДДИН: Асаджон! Яхши рўзномалар жуда кўп. Қайси бирига обуна бўлишни билмайсан. Баъзилари эса бир-биридан нуқул кўчириб босади. Бу хусусда «Халқ сўзи» қандай бўларкин?

АСАТУЛЛО: Тожиддин ака! Албатта, рўзномаларнинг нархига яраша сифати ҳам ошса керак. Сизга бу йил «Ёш куч»имни кўрсатаман!

ТОЖИДДИН: Асаджон! Кейинги йилларда нима учундир савдо дўконларида «Мухбир» кўринмай қолди.

АСАТУЛЛО: Тожиддин ака! Биламан, газета киосксида ҳам ишлагансиз. Бир гал қизиқроқ ойнома сўраганимда, хоҳлаганингни олгин-у, лекин «Гунча»мга тегмагин, деганингиз эсингиздами?

ТОЖИДДИН: Асаджон! Мана сиз ҳам узоқ йиллардан бери алоқа бўлимида ишлайсиз. Лекин кейинги йилларда негадир «Ёшлик»дан гап очмай қўйдингиз.

АСАТУЛЛО: Тожиддин ака, ҳайронман, қоғоз тақчил деймиз-у, лекин рўзнома ва ойномаларнинг тури кўпайиб бораяпти. Бу йил сизга «Сирли олам»ни кўрсатаман.

ТОЖИДДИН: Асаджон! Ҳамма рўзнома ва ойномаларга ёзилишнинг иложи йўқ. Орамизда ойида бир марта «Мулоқот» бўлиб турса етар-а?

АСАТУЛЛО: Тожиддин ака! Алоқа ходимлари иши тубдан яхшиланмас экан, сиз ва сизга ўхшаган муштарийлар ҳам «Гулхан»да куйиб қолавершади.

ТОЖИДДИН: Асаджон! Биласизми, яқинда бир танишимдан бу йил сизни «Фан ва турмуш»га чиқади, деб эшитиб роса қувондим.

АСАТУЛЛО: Тожиддин ака! Бултур бирорта ҳам рўзнома ва ойномага обуна бўлмаган экансиз. Зиёли одамсиз-ку. «Совет мактаби»да ўқиганмисиз ўзи?

ТОЖИДДИН: Асаджон ука! Билишимча, кўп рўзнома ва ойномаларни ўз вақтида олиб ўқиб турарканси. Лекин гапингизга қарасам, сизда «Сиҳат-саломатлик»нинг мазаси йўққа ўхшайди.

АСАТУЛЛО: Тўғри айтдингиз, кейинги йилларда «Ҳаёт ва иқтисод» ташвишлари билан бўлиб, ўша ойномага ёзила олмай қолдик.

ТОЖИДДИН: Асаджон! Ҳар ҳолда сиз шоиртабиат одамсиз. Шунинг учун рўзномаларга ўз вақтида обуна бўлинг. Ҳадеб «Шарқ юлдузи»ни қидириб юрасизми?

АСАТУЛЛО: Тожиддин ака! Менинг мақсадим бошқа. Қани эди қайта қуриш шарофати билан жумҳуриятимиздаги барча хонадонлар «Саодат»ли бўлса!

А. БЕРКАМОВ.

Сирдарё вилояти.

— Ул ола кўзларинг на тилар мандан?..
— Тирик етим болаларингга нафақа тўла!

М. ЖЎРАЕВ чизган расм.

ЛАТИФА

Дўконга кирган харидор «Калиш борми?» деб сўраганди, дугонаси билан ҳирингланиб ўтирган сотувчи жавоб бермади.

— Чамамда, бу қиз гаранг ё гунг бўлса керак, — деди харидор ўзича ранжиб. Буни эшитган сотувчи ўшқириб берди:

— Тилни тийинг, ҳў чол! Ким соқов?

Шу ерда турган Афанди илжайди:

— Тавба, тўғри гапнинг тўқмоғи кишига забон бағишларкан-а!

* * *

Бозорда эшагини сотаётган Афанди харидорга писанда қилди:

— Мол керак бўлса, синаб кўриб ол, иним: хўрак бериб кўр, юрғизиб кўр, миниб кўр, ишқалаб кўр.

Харидор савдолашиб, эшакни олиб кетди. Эртасига Афандининг уйига келиб дағдаға қилди:

— Бу қанақаси? Сиздан келган иш шуми? Сотган эшагингиз кўр экан-ку?!

— Қизишма, иним, — деди Афанди. — Савдолашаётганда қайта-қайта «Кўр, кўр» дедим. Эътибор бермай олиб кетдинг, энди ўзингдан кўр!

* * *

Олифта бир йигит пайабзал устаси олдига келиб:

— Ботинкамни тақалаб юборинг, — деди нописандлик билан. — Тезроқ, вақтим зиқ!

Махсисини мойлатмоқчи бўлиб ўтирган Афанди устадан бурун гап отди:

— Янглишдингиз, акаси, бу ер эшакни тақалайдиган жой эмас!

СПОРТ ахбороти

ФУТБОЛ

Олий поғона биринчилиги ниҳоясига етиши билан айрим командалар ССЖИ соврини учун учрашувларни ўтказаяптилар. Масалан, куни кеча Ереванда ана шундай матч бўлиб ўтди. Маҳаллий «Арарат» клуби иккинчи поғона вакили Ростов армиячиларини қабул қилди.

Учрашув тўла-тўкис майдон эгалари устунлигида ўтди. Ўйин ҳисоби ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Арман футболчилари биринчи бўлимдаёқ меҳмонларни икки марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур этдилар. Улар ҳужумни танаффусдан кейин ҳам бир лаҳза сусайтиришмади. АСК дарвозаси яна уч бор ишғол этилди.

Йирик ҳисобда (5:0) ғалаба қилган «Арарат» футболчилари ССЖИ соврини учун мусобақаларнинг келгуси босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Негаки, Ростовда бўлиб ўтган учрашувда 2:1 ҳисобида армиячиларнинг қўли баланд келганди. Демак, икки матч натижаси «Арарат» командасининг келгуси босқичга чиқишига имкон берди.

ХОККЕЙ

СССР терма командаси таркиби ўйиндан-ўйинга янгиланиб бормоқда. Маҳорати ўсаётган қобилиятли ёш хоккейчиларни унга жалб этишга тўғри келмоқда. Чунончи, 2, 4, 5 ноябрь кунларида Чехословакия терма командаси билан бўладиган ўртоқлик учрашувларига ҳам янги ўйинчилар чақирилди. Илк маротаба терма команда либосини кийган дарбозабон Шталенков, ҳимоячилар Юдин (Москва, «Динамо»), Юшкевич (Ярославль, «Торпедо»), Житник (Киев, «Сокол»), ҳужумчилар Андриевский (Москва, «Динамо»), Гордиюк (Москва, «Крилья Советов»), Мартинюк (Ярославль, «Торпедо») ана шулар жумласидандир.

Маълумки, совет хоккейчилари кейинги йилларда Шимолий Американинг профессионал клубларида ўйнай бошладилар. Бу мамлакатимиз командаларида уларнинг ўрнини тўлдириш, иқтидорли хоккейчиларни тарбиялашни талаб қилмоқда. Асосий командамиз таркибида қобилиятли ёшларнинг пайдо бўлиши бу иш хоккей жамоаларида тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради.

Айни пайтда олий поғонада мусобақалар давом этмоқда. Куни кеча ўтказилган учрашувларда карвонбошилик қилаётган Москва динамочиларининг омади келмади. Улар Киевда маҳаллий «Сокол» командасига 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Аммо 29 очко билан ҳамон биринчи ўринда боришаяпти.

Ўз майдонида Минск динамочиларини қабул қилиб, 4:3 ҳисобида ғалаба қозонган Москванинг «Крилья Советов» командаси пешқадамларга етиб олди. Лекин шайбалар нисбатига кўра иккинчи ўринни банд этиб турибди.

Ўйинлар жадвалининг қуйи поғоналарида бораётган Ленинград армиячиларининг яна омади келмади. Улар ўз майдонларида Ярославль торпедочиларига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

БАСКЕТБОЛ

Мамлакат биринчилиги бу йил, ҳар қачонгидан бошқача тартибда ўтказилмоқда. Унда иштирок этаётган 24 команда олти гуруҳга бўлиниб, курашни давом эттираяпти. Саралаш учрашувларидан сўнг ўз гуруҳларида дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоаларгина келгуси босқич мусобақаларига йўлланма олишади. Ҳозиргача улар уч мартадан куч синашиб, пешқадамлар аниқланди. Шуниси қувончлики, Тошкентнинг «Ўзстроймеханизация» командаси бу йил яхши ўйнамоқда.

Ҳамюртларимиз Олмаотанинг АСК, Тбилиси ва Фрунзенинг «Динамо» клублари билан ғолиблик учун баҳс юритаяптилар. Улар ҳозиргача ўтказилган учрашувлардан 15 очко тўплаб, ўз гуруҳларидан иккинчи ўринда боришаяпти.

Муҳаррир вазифасини бажарувчи Н. ЕҚУБОВ.

КОЛХОЗ, СОВХОЗ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССЖ Деҳқонлар уюшмаси маълум қиладики, етарли миқдорда «Хива» навли беда уруғини пул ўтказиш йўли билан сотиш ташкил этилди.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 41-26-81, 41-29-81.

Ойнаи жаҳонда

4 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).
*
9.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма.
9.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Ўзбекистон ва Қирғизистон ўқувчиларининг мусобақаси.
10.50 «Ҳамма гап акамда». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
12.05 «Халқ ижодиёти». Яллалар.
12.45 «Касбим—фахрим».
13.10 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
13.45 «Даврага кел, дугонажон».
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича ССЖИ чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Олмаота). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Тенаффус пайтида — «Стадион». Телефильм.
18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Кичкинтой» программаси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Келинг, бир кулишайлик». Дам олиш программаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дил наволари». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Яхши дегани нима?».
10.55 «Бахтли тасодиф». Фильм-концерт.
11.55 «Революция туфайли туғилган». Телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Олти кун» (рус тилида).
* * *
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Революция туфайли туғилган». Телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Олти кун» (рус тилида).
19.25 «Бишанав аз най...». Маснавии маънави Жалолиддин Румий.
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 «Гулчин». Концерт программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Сув эгаси». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).
23.05 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Здоровье».
13.45 «Мусиқий киоск».
14.15 Болалар учун телекўрсатувлар I Бутуниттифоқ фестивалининг совриндорлари. «Почемучка» (Калининград).
14.45 «Немис диёридаги учрашувлар».
15.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Олтин соч». Бадиий фильм (ЧСФР).
18.30 Конкурсдан сўнгги ўйлар. Ёш артистлар халқ рақслари ижрочилари I Бутуниттифоқ конкурси ҳақида. Куйбишевдан кўрсатилади.
19.05 «Май ойида ёққан қор». Телевизион бадиий фильм премьераси («Грузиятелефильм»).
20.05 1990 йил қўшиқлари.
21.30 «Время».
22.00 «Оддий ва мангулик ҳақида».
22.15 «Ер—она масканимиз». Фотоконкурс.
22.30 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион кўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 9 ва 10-сериялар.
23.10 «Хорда эса менинг овозим эшитилиб туради». «Рус хор ижрочилиги» ижодий устахонаси.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 «Вьетнам, парвозга шайланган аждаҳо».
9.45 Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. Грециядан кўрсатилади.
10.30 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Б. Галантер фильмлари. «Охирги ўйиннлар», «Вылегмат қишлоғининг сўнги қиши» (Свердловск киностудияси).
12.05 А. Прево. «Кавалер де Гриё ва Манон Леско». Телеспектакль.
13.45 Удмурдистон жумҳурияти Давлат телерадиоси. Ижевск студиясининг программаси.
●
14.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ
●
16.45 «КОАПП». Мультфильм. 16-серия — «КОАПП ёрдамга чақиради».
16.55 «Планета». Халқаро программа.
17.55 «КВН-90». Днепропетровск Давлат дориффунуни ва Донецк Политехника олийгоҳи командаларининг учрашуви (6 октябрдаги кўрсатув такрорланади).
19.40 Консерваториянинг катта залида Ф. Кулишов концерти (фортепьяно).
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Самовий капитан». Мультфильм (АҚШ).
20.45 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
* * *
23.00 Н. В. Гоголь. «Ревизор».

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1269. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12